



**ТУРКИСТОН  
ДЕЛЕГАЦИЯСИ  
ЎЗБЕКИСТОНДА**

2-бет

**15 ЙИЛ  
КУТИЛГАН  
УЧРАШУВ**

3-бет

**АЁЛ –  
ОИЛАНИНГ  
ЁНИҚ ЧИРОГИ**

4-бет

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

# Жанубий Қозогистон

1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган  
Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

2022 йил 24 ноябрь, пайшанба, №129 (3182).

## Қ. ТҮҚАЕВ 26 НОЯБРЬ КУНИ ҚОЗОГИСТОН ХАЛҚИГА ҚАСАМЁД ҚИЛАДИ



26 ноябрь куни ўтган навбатдан ташқари сайловда Қасим-Жұмарт Тұқаевга 6 миллион 456 минг 392 сайловчы ёки сайловда иштирек этгандарнинг 81,31 фойзи овоз берди. 26 ноябрь куни Қасим-Жұмарт Тұқаев қасамёд қиласы да Қозогистон Президенти сифатыда ўз лавозимига киришади.

– Сайловнинг дастлабки натижалари расман олинган бәйненомалар билан тасдиликланды. «Қозогистон Республикаси сайловлари түгриксидаягы Конституциявий қонуннинг 9-модаси 1-банди, 65-модасига биноан, овоз берисда иштирек этган сайловчиларнинг 50 фойздан күргөгининг овозини олган номзод республика Президенти ҳисобланади. Шундай қилиб, 2022 йил 20 ноябрда ўтган навбатдан ташқари сайловда Қасим-Жұмарт Кемелули Тұқаев Қозогистон Республикаси Президенти этиб сайландади. Қозогистон Республикасынинг янги сайланган Президенти Қасим-Жұмарт Тұқаевнин қасамёд қабул қилиш маросими 2022 йил 26 ноябрь кунинга белгиланды, – деди комиссия Раисы Нурлан Абдиров. Марказий сайлов комиссияси йигилишида.

24 kz.

● Хушхабар

## АДЕЛАИДА РЕКОРДНИ ЯНГИЛАДИ

Словениянинг Крань шаҳрида сузиш спортидан халқаро турнир ўтди. Қозогистон шарафини ҳимоя қылган түркестонлик спортчи Аделаида Пчелинцева 50 метргача брасс усулида сузишдан олтин медални қўлга киритди.

Аделаида, шунингдек, жаҳоннинг кучли спортчилари беллашган мусобақада 100 метрлик брасс усулида сузишдан ҳам бош совринни қўлга

киритди ва Қозогистон Республикасининг 2009 йилги рекордини янгилади.

Денис Жарменов раҳбарлигидаги

Түркестон вилоят сув спорти турларига ихтисослаштирилган болалар ва

ўсмиirlар спорт мактабининг истебодли шоғирди энди Парик Олимпиадасига йўлланма олишини кўзламоқда.



Вилоят ҳокимининг  
матбуот хизмати.

**ВИЛОЯТ АҲОЛИСИ ДИҚҚАТИГА!**

Қозогистон Республикаси Президентининг 2022 йил 3 марта даги 826-сонли “Ҳокимларнинг аҳоли билан учрашувларини ўтказиш түгрисида” ги Фармонининг ижроси доирасида Туркестон вилояти ҳокими Дархан Амангелдиули Сатибалдининг Арис шаҳри аҳолиси билан учрашви 2022 йил 25 ноябрь куни соат 11.00да Арис шаҳри Маданият уйидаги, шунингдек, вилоят ҳокимининг шахсий қабули 2022 йил 25 ноябрь куни соат 12.00да Арис шаҳридан “Фаҳрийлар маркази” биносида ўтади.

Шунингдек, вилоят ҳокими Дархан Амангелдиули Сатибалдининг ўтрап тумани аҳолиси билан учрашви 2022 йил 25 ноябрь куни соат 16.00да Шаудер қишлоғининг Маданият саройида ўтади, вилоят ҳокимининг шахсий қабули 2022 йил 25 ноябрь куни соат 17.00да Маданият саройида ўтади.

Қабула аввалдан ёзилиши 8(7253) 5-98-99 алоқа телефони ҳамда t.akimat@ontustik.gov.kz электрон почтаси орқали 2022 йил 24 ноябрарча соат 9:00дан 19:00 оралигига (тушки танаффус соат 13:00-15:00гача) амалга оширилади.

Төзиши ташкилотларине иштирокини таъминлаш ҳамда бевосита алоқа ўтранатиш мақсадида ариза берувчининг исми-шарифи, савол мазмуни, манзилоҳ, алоқа телефони ҳамда электрон почта (бор бўлса) аниқ кўрсатилиши керак.

**ҚАДРЛИ ТУРКИСТОН  
ВИЛОЯТИНИНГ АҲОЛИСИ!**

Қозогистон Республикаси Президенти Қ.Тұқаевнинг “Халқни тинглайдиган мамлакат” концепциясини амалга ошириш доирасида 2022 йили 25 ноябрь куни Туркестон вилоятининг ҳокими Дархан Сатибалди ва вилоят ҳукукни мухофаза қилиш органлари раҳбарлари иштирокида Арис шаҳри ва ўтрап тумани аҳолиси билан “Ягона қабул куни” ўтишини маълум қиласиз.

“Ягона қабул куни” соат 12:00да Арис шаҳри, Д. Қўнаев кўчасидаги “Фаҳрийлар маркази” биносида ўтади.

“Ягона қабул куни” соат 17:00да ўтрап тумани Шаудер қишлоғи Маданият саройида ўтади.

Қабула аввалинда ёзилиши 8(7253) 5-98-99 алоқа телефони va.takimat@ontustik.gov.kz электрон почтаси орқали 2022 йили 24 ноябрарча соат 9:00дан 19:00 оралигига (тушки танаффус соат 13:00 – 15:00гача) амалга оширилади.

Төзиши ташкилотларине иштирокини таъминлаш ҳамда бевосита алоқа ўтранатиш мақсадида ариза берувчининг исми-шарифи, савол мазмуни, манзилоҳ, алоқа телефони ҳамда электрон манзили (бор бўлса) аниқ кўрсатилиши керак.

● Обуна–2023

## “ЖАНУБИЙ ҚОЗОГИСТОН” – ДОНО ДЎСТИНГИЗ, ҲАМКОРИНГИЗ!

**Қадрли муштари!**

Иш сиёсий жаҳҳадаги испоҳотлари, мөхнатдаги зафарлари иша поёнига етмоқда. Келгуси 2023 йил учун даврий нашрларга обуна авжади.

Қозогистон Республикаси Мустақиллиги билан тенгдош, миллат минбари ва фаҳри саналмиш “Жанубий Қозогистон” рӯзномаси омма билан давлат ўртасидаги олтин кўпrik вазифасини шараф билан адо этмоқда.

Маънавий жиҳатдан юксалиб, мукаммал шахс бўлгингиз келса, кун сайн вилоят, республика ва жаҳон янгиликларидан вожиф бўлиши истасангиз, њеч иккапланмай суюкли газетангиз – “Жанубий Қозогистон”га обуна бўлини!

“Жанубий Қозогистон” газетаси таҳририятининг шихоатли ва изланувчан жамоаси сизнинг маънавий эҳтиёжтаринизни қондиришга, ишодий хизмат кўрсатишга ҳамиша шай.



6 ойга обуна баҳоси:  
“Қазпошта” ҲЖ орқали – Туркестон вилояти бўйича – 3415,50 тенге;  
Шимкент шаҳри бўйича – 3095,15 тенге.

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 65466

● Соҳир мисралар



Ойтүти РЕЖАМЕТОВА.

*Садоқат  
саҳифаси*



Тоҷмаҳал о, садоқат саҳифаси!

Бибихоним эҳтиром қасидаси!

Аёл буюк зотдири-кўнгил гавҳари,  
Гўззалик гўёласи-севги дафтари.

Аллоҳ мўъжизаси фаришталарсиз,  
Афифа, адаба саришталарсиз,  
Моҳирўй маҳбуба серишваларсиз,  
Кўнгиллар кўпргиши, дилришталарсиз.

Муҳаббат дунёни ийғлатган аниқ!  
Аёл сирли хилқат, хушрўй, хушқилик,  
Меҳридири бекиёс, бўл олам ҳури,  
Ҳокисор бир дилдор, дунёниң дури.

Сизни суйши учун яратган, фалак,  
Она иқлимидаги самовий тилак,  
Гул-райхон атиридири, бўйиниз, малак,  
Кўзиниз кўлига чўқсин қул ҳалак».

Дилингиз ўртаса гарчи армонлар,  
Изат нағсингизга собитдири шонлар,  
Ёқутсиз, ёрқиниз асрар мадонлар,  
Ардоқласин суюб, куюб, комонлар.

Аёлнинг севгисин осонга ўйманг.  
Согинчи сўлдирса армонга ўйманг.  
Ҳижрон тақдирни гар нола наидадир.  
Ўзага ёр бермас, берган қайдадир!

Жуғутини қизғонса, савоб ё гуноҳ,  
Гумон кўнгил ғаши, жисми жон гувоҳ,  
Оила чорбогин эъзозлар жўшиб,  
Аёл севса севар, 40 жонин қўшиб!

# УНИВЕРСИТЕТ 30 ЙИЛЛИГИНИ НИШОНЛАДИ



## ДАВЛАТ ДАСТУРЛАРИ – ПАРТИЯ НАЗОРАТИДА

"AMANAT" партия-си Сайрам туман филиалининг 11та бошлангич партия ташкилотида партияниң сиёсий дастури мухомкама қилинди. "Қорамурт" бошлангич партия ташкилоти йиғилишида депутатлар, партия фахрийлари, фаол партия аъзолари ва ёшлар иштирок этди.

Сиёсий платформани ишлаб чиқиши апрель ойида бошланди. Унда жамиятнинг долзарб муммалари ечимига алоҳида этибор қаратилган. Яъни "AMANAT" энди халқни тинглайдиган партияга айланади. Платформа жамиятни ривожлантирадиган кадриятлар билан бойитилди.

Шунингдек, "Қорамурт" БПТ раиси Тохир Дўсметовга ҳам бошлангич ташкилот фаолиятини жонлантириш, янги маслакотлар билан партия сафини кенгайтириши, уни сифат жиҳатидан юксалтириш вазифаси белгиланди.

**Алмас АБДИҚАДИРОВ,**  
"AMANAT" партияси  
Сайрам туман бўлими  
масъул котиби.



## ҚОЗОНХОНАЛАР БИР МАРОМДА ИШЛМОҚДА

Бу ҳақда Кентов шаҳри ҳоқимининг ўринбосари Қ. Искаков маълум қилди.

– Кентов шаҳридаги 5-сонли иссиқлик қуввати маркази мөъёрида ишлаб турибди. Иссиқлик узатиш ҳарорат жадвалига мувофиқ амалга оширилди. 14 минг хона-дон марказлаштирилган иссиқлик тизими гуланган, – деди Қуаниш Галимжанули.

– "Кентай-сервис" ДКК раҳбари А. Тулеу шаҳар аҳолисидан шикоятлар камайгина мөълум қилди. Аҳолининг аҳолида шикоят ва мурожаатлари бўйича иссиқлик инспекцияси, ички айланма тизими, созлаш гурухининг хизмати зарур чоралар кўрмоқда, – деди у.

Шунингдек, иситиш мавсуми учун 90 минг тонна кўмир, 700 тонна мазут ҳамда 20 тонна дизель ёнилгиси ҳариди бўйича шартнома тузилиб, улар жадвал асосида етказилмоқда

**Вилоят минтақавий алоқалар хизмати.**

Юртимизда 2025 йилгача соҳада амалга ошириладиган янги лойиҳалар туфайли 7 мингга яқин иш ўрини очилиди.

Бугунги кунда қозогистонли ишбилармонлар туризм соҳасида 100та лойиҳани амалга оширимоқда. Булар – кемпинглар, ҳордиқ ҷиҷараш маскансалари, истироҳат боғлари. Ушбу лойиҳалар туфайли иккى йилда кўшимча 6-7 мингга яқин доимий иш ўринлари пайдо бўлади. Бу «Kazakh Tourism» МК ҲЖ раиси ўринбосари Қайрат Садуақасов маълум қилди.

– Ҳозирги кунда 100ta лойиҳа назоратда, уларнинг ярми келгуси йилнинг охирларида якунланади. Умуман, соҳа бўйича мехмонхоналар, туристик фирмалар ва мөхомонха соҳасини этиборга олпак, бугунги кунда 120 минг киши бевосита иш билан тавминланган. Агар, транспорт, маданият соҳаларини кўзда

очиши ва боша ишлар учун 10 йилгача солиқдан, бож тўловидан озод этилиши, ер участкаси ҳарид қилиш учун грант олишиб имтиёзлар мавжуд.

– Туризм соҳасига бизнеснинг аралашуви ҳозирча кичик ва ўрта бизнес даражасидагина. Йирик бизнеснада кам учрайди, чунки унга катта сармоялар келавермайди. Ваҳоланки, «Оддий буюмлар иқтисодиёти» дастури ҳам мавжуд. Бунда кичик ва ўрта бизнес кемпинглар, мөхомонхоналар, истироҳат боғлари, тофчангি курортларини очиши имтиёзини кам фоизли миқдорда молиялаштириш орқали олиши мумкин.

**Вилоят ҳоқимининг матбуот хизмати.**

## ТУРИЗМ РИВОЖЛАНСА, ИШ ЎРИНЛАРИ КЎПАЯДИ

тутадиган кенгайтирилган рўйхатни олиб кўрсак, унда 300 мингга яқин киши бор. Давлат дастури низҳасига еттач, 2025 йилда биз 7 мингга яқин янги мумкин ўринларни очиши режалаштирганмиз. Янги сармояларни келиши хисобига янги ишоотлар курилиб, янги ўринлари ҳам кўпаяверади, – деди Қ. Садуақасов.

«Kazakh Tourism» МК ҲЖ раиси ўринбосарининг айтишича, давлат сайдъхлик соҳасида кичик ва ўрта бизнес вакиллари сафини кенгайтиришдан мағфоатдан. Кичик, ўрта ва катта бизнеснинг қатор афзалларни бор. Масалан, катта бизнеснада тог-чангি курортларини куриш, йўл бўйи хизмати тармоқларини ривожлантириш, мөхомонхоналар

**Б. ДЎСМАТОВА.**

### • "Сайрам-Ўғам" сайдъхлик бирлашмасига – 25 йил

## ЭКОТУРИЗМ ЁШЛАР БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАЙДИ

Тўлебий туманида ёшлар бандлигини таъминлашга бағишиланган давар сұхбати ўютирилди. Унда қатор корхоналар раҳбарлари ва ноғавлат ташкилотлар вакиллари иштирок этиб, учинчи мингийилликда жаҳон иқтисодиётининг етакчи тармогига айланган туризмни ривожлантиришга ёшларни кўплаб жалб этиш таклифи илгари сурилди.



– Ўлкамис ранг-баранг табиий манзара, бетакор үсімлик ва ҳайвонот оламига ега, – деди «Сайрам-Ўғам» сайдъхлик бирлашмаси раҳбари А. Абдешов. – Бу ўз навбатида, Туркистон вилоятида экотуризм, яъни, яшил сайдълик йўналишини ривожлантириш учун кулай шароитлар яратади. Ҳозир уни ривожлантириши бораасида илгор мамлакатлар қаторига Арманистон, Хитой, Россия ва Ўзбекистон кирган.

Таъидлаш жоизи, А. Абдешов туманда кўплаб туристик анжуманлар ўтказиб туради ва «Ёшлар имкониятларни марказининг Экотуризм» лойиҳасини амалга оширишда салмоқли хисса кўшиб келмоқда. Бир сўз билан айтганда, «Сайрам-Ўғам» сайдъхлик бирлашмаси юртимизнинг туризмик салоҳиятни намойиш этибигина қолмай, соҳадаги ишбилармон доиралар ўтрасида ҳамкорлик алоқаларини ўтишада мухим дастур вазифасини ўтамоқда.

«Мутахассислар фикрига кўра, мамлакатнинг сайдъхлик имкониятларини рўёбга чиқаришда ички туризмни ривожлантириш мухим омил ҳисобланади. Зоро, ҳар қандай янги туристик маҳсулотга, аввало, маҳаллий сайдъхларда қизиқиши ўйғотиб, сўнгра уни хорижий сайдъхларга тақдим этиш анча самара-ли эканлиги жаҳон тажрибасида кўп бор исботланган», дега таъидлаган эди вилоят ҳоқими Дархан Сатибалди Тўлебий туманига хизмат сафари чогида.

– Туманимизда ҳордиқ чиқарыш билан бир қаторда, соғлини тиклашга хизмат қилувчи улкан имкониятлар мавжуд, – деди А. Абдешов. – Ҳудуддаги тог экотузими, ўттиздан зиёд археологик ёдгорликлар беруда экологик, спелеологик (форларга саёҳат килиш), тарихий, кишлоп ва спорт туризми (тог-чангидаги учиш, пиёда саёҳат, тог велосипеди)ни ривожлантириш имконини беради. Шу йилнинг ўзида туманда ўттиздан зиёд хусусий мөхмон уйи ташкил қилинди. Уларда хизмат кўрсатувчи ишчи ва ходимларнинг малакасини ошириш мақсадида семинар-тренинглар ўтказдик. Мөхмон уйларида сайдъхлар табиат кўйинида дам олиш баробарида, турли маданий дастурлар билан танишишлари мумкин. Ичи туризмнинг ривожланши, айниқса, хусусий тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириши турткни беради.

Минтақага сайдъхларни жалб этишда мамлакатимизнинг ички салоҳияти, айниқса, қишлоқларимизнинг ўзига хослигидан унумли фойдаланиш туманда бандлик масаласи ижобий таъсир кўрсатади.

**Б. ДЎСМАТОВА.**

## • Ҳалқаро ҳамкорлик

## ТУРКИСТОН ДЕЛЕГАЦИЯСИ ЎЗБЕКИСТОНДА

Тўққиз йўлнинг туташган жойида Ҳалқаро ҳамкорлик топаётган Туркистоннинг улкан захири манбаи, одан капитали ва сайдъхлик салоҳияти туркий мамлакатларни бирлаштирадиган "TURAN" маҳсус иқтисодий минтақасини ташкил этиш учун кулашибарди. Буни вилоят сармоя ва экспорт бошкармаси раҳбари ўринбосари Нургул Абдразақова бошчилигидаги делегация Узбекистон Республикаси сармоядорлари билан учрашвида таъқидлади.

Вилоятнинг ўзига хос хусусиятлари ва имкониятлари тақдимотидан сўнг, Хоразм вилояти ҳоқимлиги ҳамда Туркистон вилояти делегацияси ўтасида савдо-иқтисодий ва маданий-гуманинг соҳалар бўйича ҳамкорлик меморандуми имзоланди. Хоразм ва Фарғона вилоятларидаги тўқимачилик саноати салоҳияти билан яниндан ташигаш, Туркистон вилоятида саноат корхоналари очган сармоядорларга имконият ва имтиёзлар ҳақида маълум бориленди.

Вилоятнинг ўзига хос хусусиятлари ва имкониятлари тақдимотидан сўнг, Хоразм вилояти ҳоқимлиги ҳамда Туркистон вилояти делегацияси ўтасида савдо-иқтисодий ва маданий-гуманинг соҳалар бўйича ҳамкорлик меморандуми имзоланди. Хоразм ва Фарғона вилоятларидаги тўқимачилик саноати салоҳияти билан яниндан ташигаш, Туркистон вилоятида саноат корхоналари очган сармоядорларга имконият ва имтиёзлар ҳақида маълум бориленди.



орқали Қозогистон ва Ўзбекистон ўтасидаги стратегик ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлаш гисса кўшади, деб ишонч билдириши.

**Вилоят ҳоқимининг матбуот хизмати.**

## ГРАНТ ЯКУНЛАРИГА БАГИШЛАНДИ

Туркистонда жорий йил 26 июлидан бошлаб ёшларнинг жисмоний имкониятлари чекланган гурухлари ўтасида қалдирғоч лойиҳани амалга оширишга мўлжалланган "Zhas Project" грант лойиҳаси ишга туширилган эди.



Лойиҳада 18-28 ёшдаги югигизлар иштироки ўтасида. Уларнинг аксариети ижтимоӣ шароити оғир тоифалардан. Лойиҳада доирасида Туркистон вилоятида ҳар бир иштирокчига ўз ташабbuslарини татбик этиш учун 1 млн. тенгегача маданий тақдимотида грант ажратилиши. Грант якунларига багишиланган анжуман доирасида иштирокчилар томонидан тайёрланган маҳсулотлар намойиш этилиб, лойиҳалар билан таниширилди.

**Вилоят минтақавий алоқалар хизмати.**

◆ Обуначиларимиз орасида

## М. АУЕЗОВ НОМЛИ МАКТАБДА

Жорий йилда атоқли адип, ёзуви ва олим, ақадемик Мұхтар Ауезов тавалдудининг 125 йиллиги кенг нишонланды.

"Жанубий Қозғистон" саҳифаларыда ушбу сана Саврон тумани Үртгандай қышлогидаги Нурлан Қадиров рахбарлар киляёттән Мұхтар Ауезов номли умумий ўрта мактаб мисолида атрофичла ёритилди. Тархрият Туркестон бўлумининг саъй-харакатлари билан мактаб ҳовлисими асфальтлаш, бинони жиҳозлашда ҳомийлик кўрсатган тадбиркорлар Олимжон Расул ўғли, Алишер Олимжон ўғли, Ўйгун Иброҳим ўғлига миннатдорчилек билдирамиз.

Директор хузурида раҳбар хамда мактаб ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси Рахматулла Ёқубов билан 2023 йилнинг биринчи ярмига обуна



масаласини муҳокама қилдик. Нурлан Қадиров имтиёзли обуна шартномасини расмийлаштириб, ўқитувчilar ва ўзбек этномаданият бирлашмаси саъий-харакати билан ўқувчilarни (шу орқали ота-оналарини) ҳам обунага жалб этиш таклифимизни қўллаб-куватламоқда.

Ш. МАДАЛИЕВ.  
Муаллиф тасвири.

## 15 ЙИЛ КУТИЛГАН УЧРАШУВ



Футболдан Қозғистон терма жамоаси УЕФАга аъзо бўлгач, азалий рақиблари (майдонда) Марказий Осиёдаги кўшини давлат терма жамоалари билан ўйнамаслиги кўп йиллик тажрибага эга мухлисларнинг ҳафсаласини пир қилган эди.

Марказий Осиё дербиси хисобланган – Қозғистон ва Узбекистон терма жамоалари ўйнамаганига 15 йил бўлиди. Умуман, мазкур терма жамоалар 6 бор учрашган. 2та ўйнанда Узбекистон устун келса, бир ўйнанда Қозғистон галаба нашидасини сурган. Зта ўйнанда эса дуранг натика қайд этилган.

16 ноуябр куни Ўзбекистон ва Қозғистон терма жамоалари Тошкентда ўртоқлик ўйни ўтказиши маълум бўлгач, учрашувни "Пахтакор" ўйни-



жамоа ҳам эҳтиёткорлик билан тўл сургани учун ўйин асосан майдон марказида кечди. Учрашувнинг 12-дақиқасида "Торпедо" (Москва) ўйинчиси Ҳожимат Эркинов ва 45-дақиқада "Рома" (Италия) хужумчиси Элдор Шомуродовларнинг голлари ўзбекистонга галаба келтириди.

Уйнанда кейинни матбуот анжуманида Қозғистон терма жамоаси бош мураббий Магомед Адияев анчадан бўён ўйнамаган терма жамоа ўйинини мөъёрий ҳолат, деб баҳолади. Ўзбекистоннинг иккала голи ҳам якка ҳаракатлар натижасида урилганини алоҳида таъкидлади. У ўзбекистон терма жамоасининг истиқлили ёрқинлигига ишонч билдиради.

Сречко Катанец эса тактик жиҳатдан жуда яхши ўйин наимий ётиб, галаба қозонишганини таъкидлади. У терма жамоа ўйинларида ўйнгоҳда мухлисларнинг кўп бўлиши фойдаланни холи бўлмаслигини

билишади. Сречко Катанец эса таъкидади. Узбекистон терма жамоасида эса авлодлар алмашини муввафқиятли амалга оширилаётган палла.

Бевосита ўйин тафсилотига тўхтаслак, учрашув тенг курашлар остида ўтди. Тўп назорати, зарбалар, жарима зарбалари, ҳужумлар ва бошқа кўрсаткичлар деярли бир хил бўлди. Иккى

Хуршид Қўчқоров. Шимкент-Тошкент-Шимкент.

◆ Футбол

20 ноуябр куни Қатарда футбол бўйича жаҳон чемпионати бошланди. Унинг очилиш маросимида Миср президенти Абдул Фаттоҳ ал Сиси, Туркия Президенти Ражаб Тайиб Эрдогон каби мусулмон мамлакатларнинг катор раҳбарлари иштирок этилди.

Бу – жаҳон чемпионатида 32ta жамоа иштирок этилди. 2026 йили гандаги беллашувларда АҚШ, Канада ҳамда Мексика биргаликда 48 терма жамоа ўйнайди. Турнир гопили – 42 миллион доллар олади. Кумуш совриндор 30 млн. доллар, бронза медали голиблари 27 млн. доллар, тўртинчи ўрин олган жамоа 25 миллион долларга эга бўлади.

Қолган терма жамоалар: 5-8 ўринлар – 68 миллион доллар (хар бири 17 миллиондан); 9-12 ўринлар – 104 миллион доллар (хар бири 13 миллиондан).

## КАТАРДА ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ БОШЛАНДИ



ФИФА эса клубларга жаҳон чемпионатидаги иштироки учун яна 209 миллион доллар ажратди.

Чемпионатда илк бор аёл судьялар ҳакамлар килади, шу

жумладан, Стефани Фраапар (Франция), Салима Мукасанга (Руанда) ҳамда Йошими Ямасита (Япония).

"Жанубий Қозғистон" мухбири.

Қиши кириб келаётганига қарамай, Түлебий туманида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари доирасида бажариладиган ишлар тобора кенг қупоч ёзмоқда.

Ўтган ҳафтада бу тадбирларга қишлоқ ҳокимларни шаҳар коммунал хизмати томонидан 260 нафар одам ва 12та маҳсус техника жалб этилди. "Бургулилар" да олиш минтақасида ўзан бўйини тозалаш ишлари давом этиб, унда «Ёшлар имконият маркази»нинг аъзолари фаол иштирок этилди.

– Туман ҳокими бу масалани ўз назоратига олган учун ундан миннатдормиз, – дейди «Кўнгиллилар жамияти» аъзоси С. Тўленов. – Қозғистон Республикасининг бош Қомиси – Конституциямизнинг 31, 35, 45, 53 ва 54-моддалари атроф-мухитга ёхтимёткорона муносабатда ҳам қўллаб-куватламоқда.

Фойдаланиш, инсон саломатлигини асрар-авайлаш, бир сўз билан айтганда, она-табиатни асрар ҳар бир кишининг муҳим вазифаси ва инсоний бурчидир. Сув оқиб ўтган йўлларда саҳоват, эзгулик, барака, фаронвонлик гуркирайди. Шунинг учун ҳам сувнинг ҳар томиси табарук ва азизидир, уни кадрлайлик.

Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари ҳақида тўлебийликларнинг фикри билан кизиқидик. Улар қишлоқларда тозалибор кучайиб, ахолининг онгида ҳам ижобий ўзгаришлар юз берабётганини қайд этилди.

– Тозалик ва озодалик бўлган жойда соғлом авлод вояга етади, – дейди ленгерлик

## ҚИШ ҲАМ ИШ ФАСЛИ



мехнат фахрийи Усен Саутбаев. – Тозалик – соглиганинг гарови эканлигини инкор этилмаймиз. Саранжом-саришта, тоза-озода жойга кирган кишининг баҳри-дили очилибгина қолмай, бу ерда унинг саломатлиги учун ҳеч қандай хавф кузатилмаслиги ҳам барчага аёй ҳақиқатдир. Шундай бўлгач, ҳар бир оиласда, таълим даргоҳидан, кўчада, жамоат транспортидан тозаликка ётибор каратиш оддий иш бўлиб туюлса-да, бунинг замирада кишилар саломатлигини асрар-авайлашдек умумдавлат ва умумхалқ масаласи ётади.

Б. РЎЗИМАТОВА.

## КИТОБДАН ЗАВҚ ОЛАЙЛИК!

Таҳририятнинг топшириги билан билан мен учун қадрдан ва мунавар даргоҳ – Шимкент шаҳар ўсмирилар кутубхонасига ўйл олдим.

45 йиллик тўйини нишонлаш арафасида турган даргоҳга ташриф буюрувчиларнинг сони 140 мингдан зиёдни ташкил этиди. Жамгармасида 168 544 китоб мавжуд. Айни дамда илмий салоҳият, тафаккурни ҷаҳрлайдиган мукаддас даргоҳга Раушан Бабажанова раҳбарлик килмоқда. Зиёд масканида қадрдан бўлиб қолган кутубхоначиларни билан замонавий китобхонларни ўхусида сухбатлашдик.

Таҳқиҳан Мустафина бошқараётган бўлимнинг доимий мижозиман. Яқинда жамоа ходими Қундузай Елекеева республика кутубхоначиларининг "Маънавий хазина – 2022" танловида «Энг яхши кутубхонач» номинацияси голибаси



бўлди.

– Жамики аҳборот, китоб ва дастурлар кичкина телефонимизга жойлашган, ўсмириларни телефонлардан акратиш қийин бўлган руҳий бир вазиятда ёшларни кутубхоналарга қандай жалб этаъисизлар? – сўрайманан кутубхоначилардан.

– Ижтимоий тармоқлар болаларни доим банд этишига қарамай, ўнаги истеъододли ёшларнинг ҳам ижодини намоён стадиган ўзига хос майдонга айлангани ҳақиқат, – дейди кутубхонанинг услугиги бўйими мудираси Қундузай Елекеева. – Ундан жуда кўп аҳборот оламиш, ҳатто кўп бадиий китобларнинг электрон нусхаларини ҳам кўп телефонларнинг бемалол ўқишингиз мумкин. Кўп телефони жамики аҳборотларни манбаига айланади. Шунга қарамай, эзтибор берабётган бўлсанги бундай қулаипликлардан инсон бироз зерика бошлади. Хуллас мижтимоий тармоқлардан чарчади. Одам хотиржам утириб, китоб мутолаа қилишни сониди. Ҳа, ҳа, сониди. Кўзингиз чарчаши, умуман инсон телефон экранидаги мутолаа пайтида анъанавий китобдагидек бевосита мулокотни ҳис килмаслиги боис электрон китоблардан ҳам зеришиди. Бу ҳақда биз, китобхоначиларни сафи кенгайланлиги ва уларнинг бу борадаги фикрлари асосида хулоса қирадиган.

Хақиқатан ҳам завқ билан китоб ўқишини унтибимиз. Вакти оқилона тақсимай олмайётган эканмиз, айнича ёшлар. Эзтибор беринг, ҳаммамиз, инсонияти ҳар томонлама ривожлантирадиган китобларни мутолаа қилишарни ўхши билан.

– Тўғри, бу кўплаб китобхон доираларда ургфа айланган. Йил сайн камида 50та китобни мутолаа қилишни ҳисобланади. Бир учрашуда танилини адибга ўшбу саволни бердим. "Китобни санониги юритиш учун ўқийдими, инсон? Кунига битта китоб ўқима, йилига битта китоб ўқишингиз ҳам ундан руҳий кувват ол, ундан аҳборот олма, ундан завқ, шавқ ол, деди у.

Ҳақиқатан ҳам завқ билан китоб ўқишини унтибимиз. Вакти оқилона тақсимай олмайётган эканмиз, айнича ёшлар. Эзтибор беринг, ҳаммамиз, инсонияти ҳар томонлама ривожлантирадиган китобларни мутолаа қилишарни ўхши билан. Сизга, ҳам маслаҳатим, шахсий ривожланниш, бизнес китобларни вақтина четта суруб, юрагингиз торини чертадиган, инсонияти, ҳаётга иш-муҳаббат ўйготадиган, завқ берадиган, шуур сийловчи рисолаларни ўқинг. Пок, илоҳий ишҳа ҳақида ўзингиз ёқтирган китобларнинг бўлсин ва улардан илҳомланиб, такрор-такрор ўқишига одатланинг.

Ижодга энди кириб келаётган истеъододли талабалар, ўқувчилар келиб, "шеър машҳ қи-

Мунира САЪДУЛЛАЕВА.

